



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2006 йил 15 сентябрь, № 182 (4081)

Жума



Мамлакатимиз Мустақиллигининг 15 йиллик тантаналари арафасида энгил саноат тизимида ўндан ортиқ тўқимачилик корхоналари ишга туширилди. Пойтахтимизда фаолиятини бошлаган Туркиянинг "БО ГРУП" ширкатлар бирлашмасига қарашли "БФ Текстайл Продакшн" корхонаси шулардан биридир.



Шавкат ОРТИҚОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.
СУРАТЛАРДА: корхона ҳаётидан лавҳалар.
Темур ҚУРБОНОВ
олган суратлар.

ХОМАШЁДАН ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТ

Асосан маҳаллий хомашёдан экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи маъмур корхона лойиҳасини амалга ошириш учун таъсисчилар томонидан ҳозирга қадар 5,5 миллион АҚШ доллари миқдоридagi инвестиция жалб қилинди. Йил якунига инвестиция ҳажмини 10 миллион АҚШ долларига етказиш кўзда тутилган. Корхона цехларига ўрнатилган 46 та тўқув ва 22 та буюш дастгоҳлари эса Италия, Германия ҳамда Тай-

вандан келтирилган бўлиб, улар бугунги кун талабига тўлиқ жавоб бера олади. Таъкидлаш жоизки, "БФ Текстайл Продакшн" корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳар қандай харидорнинг ҳам эътиборини тортиши аниқ. Чунки бу ерда тайёрланаётган 10 турдан ортиқ 600 га яқин рангдаги тайёр трикотаж матолари сифатлиги билан алоҳида ажралиб туради. Мисол учун, Россия, Италия, Миср, Туркия, Украина ва Қир-

ғизистонда фаолият олиб бораётган бир қанча йирик тўқимачилик корхоналарининг аллақачон асосий миқозга айлангани фикримиз далилидир. Ҳозиргача 1 миллион 160 миң АҚШ доллари қийматидаги маҳсулотлар ана шу давлатларга экспорт қилинди. Бу ишлаб чиқарилаётган умумий маҳсулот ҳажмининг 60 фоизини ташкил этади. Йил охирига эса экспорт миқдорини 80 фоизга етказиш режалаштирилган.

— Корхонамизда 300 нафардан ортиқ маҳаллий ёшлардан иборат юқори малакали мутахассислар ишламоқда, — дейди "БФ Текстайл Продакшн" корхонаси бош директорининг ўринбосари Вейсел Йилдиз. — Яқин икки ой ичида яна 100 та дастгоҳ ўрнатишни мўлжаллаб турибмиз. Демак, шунга яраша иш ҳажми ҳам ортади, иш ўринларининг умумий сони 500 тага етади.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига қўшимча киритиш ҳақида

Қонуничилик палатаси томонидан 2006 йил 15 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2006 йил 25 августда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги 216 — I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотнома-си, 1996 йил, № 5 — 6, 54-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда) 7-моддасининг олтинчи қисми «этиш ҳоллари» деган сўзлардан кейин «шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳоллар» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўлға кирида.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 14 сентябрь
№ ҲҚК — 49

ШИФОКОРЛАР БАЙРАМИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан тасдиқланган ва 13 сентябрь кун эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонуни тиббиёт ходимларини қувонтириб юборди.

— Тақвимда бизнинг касб байрамининг йўқ эди, — дейди Андижон Давлат тиббиёт институти клиникасининг биринчи жарроҳлик бўлими жарроҳи, доцент, «Меҳнат шўхрати» ордени соҳиб Жўраҳон Саидхўжаев. — 1 октябрда бутун мамлакатда ўз касб байрамининг кенг нишонлайдиган ўқитувчиларга ҳавасини келарди. Энди эса шифокорларнинг ҳам қонун томонидан белгиланган байрам кунини нобригинг иккинчи яқинба-сида нишонланадиган бўлди. Бу рамзий маънога эга. Негаки, 1998 йил ноябрда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури қабул қилинган эди. Шу пайтдан бошлаб, одамлар соғлигини химоя қилиш соҳасида кенг қўлдан ўзгаришлар амалга оширилди. Касалликни даволашга эмас, балки унинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар бугунги кунда ўз самарасини бермоқда.

Давлат дастурига мувофиқ Андижон вилоятида ўнлаб замонавий қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилди, кўпгина даволаш муассасалари капитал таъмирланди. Мустақиллигимизнинг 15 йиллигига Асака шаҳрида диспансер қа-

питал таъмирдан сўнг фойдаланишга топширилди, бир қанча қишлоқ врачлик пунктлари, Андижон туманидаги Қўйганёр қишлоғида эса фахрийлар учун мўлжалланган соғломлаштириш маркази ишга туширилди. Шифокорлар ва поликлиникалар замонавий таъмир қўйиш ва даволаш ускуналари билан жиҳозланмоқда. Фарғона водийсида энг йирик тиббиёт муассасаси ҳисобланган клиникамиз ҳам янгиланмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимига, халқ саломатлигини химоя қилаётган шифокорларга катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ шифокор ва ҳамширалар давлат мукофотлари билан тақдирланди. Улар орасида мөн ҳам борман.

Тиббиёт ходимларининг касб байрамини тўғрисидаги қонунни ҳамкасбларим катта хурсандлик билан қабул қилди. Юртбошимизнинг биз, тиббиёт ходимларига кўрсатаётган ғамхўрлиги ва эътибори халқ фаровонлиги йўлида янада кўпроқ ғайрат билан ишлашга ундайди.

ЎЗА мухбири С.ШУКУРОВ
ёзиб олди

Жойлардан хабарлар

Мирзачўлда дўстлик кўприги

Жиззах вилоятини Қозоғистон Республикасининг Мақтаарал тумани билан боғлайдиган ерда кўприк қурилди. Ўзбекистон-Қозоғистон ҳудудини боғловчи автомобиль йўлида барпо этилган замонавий янги кўприкнинг узунлиги 72,5 метрни ташкил этади. 11 метр кенгликдаги иншоот ҳар икки республика автомобилчилари учун катта имконият ва қулайликлар яратгани билан муҳимдир.

Тошкентдаги 67-маҳсул кўприк қурилиши бошқармаси жамоаси ўтган йили бошланган иншоотда қисқа фурсатда 750 миллион сўмлик иш бажаришга эришдилар.

Мақтаараллик оқсоқол Б. Тўқсонбоевнинг таъкидлашича, ўзбек қурувчиларининг бу хайрли иши икки давлат аҳолисининг ўзаро ҳамкорлиги ва дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Янги лойиҳалар — қишлоқ хўжалигига

Қашқадарё вилоятида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг «Худудларни комплекс ривожлантириш» лойиҳаси амалга оширилди. Ундан кўзланган мақсад маҳаллий ҳокимият идоралари, ўзини-ўзи бошқариш тизими, олий ўқув юрталари ва нодавлат ташкилотлар, хусусий сектор билан ҳамкорликда аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш, барқарор иқтисодий-ижтимоий ривожланиш омили бўлган янги даромад манбаларини ва иш ўринларини яратишдан иборатдир.

Лойиҳанинг дастлабки босқичида бу режаларни вилоятнинг Китоб ва Нишон туманларида рўйга чиқариш кўзда тутилган. Ҳозир бу туманларда ҳокимиятнинг худудий ва маҳаллий тизими, халқаро ҳомийлар, нотижорат ташкилотлар, фермерлар ва тадбиркорларнинг умумий тараққиёт жараёнидаги иштирокини кучайтириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида «Қишлоқни ривожлантириш марказлари» очилди. Қарши муҳандислик-иқтисодий институтда иш бошлаган «Қишлоқ хўжалиги бўйича консултациялар ва тренинглар маркази» эса лойиҳа доирасида амалий тадқиқотлар, консултациялар, тренинглар ва ўқувлар ташкил қилади.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бозор тадбиркор ила обод

Тўла реконструкциядан чиқарилгандан сўнг Наманган шаҳридаги «Дўстлик» бозори чинакам шарқона қиёфа касб этди. Обод гўшага узук кўзидай ярашиб тушган бозорда сотувчи учун ҳам, харидор учун ҳам янги қулайликлар яратилган. Эътиборлиси шундаки, бу ердаги бунёдкорлик ишларининг асосий қисми бозорнинг асл эгалари — тадбиркор-тижоратчилар саъй-ҳаракати билан рўйга чиқарилиб, улар катта юмушга 2 миллиард сўмдан ортиқ сармоа киритдилар. Натижада қисқа фурсат ичида 15 та супермаркет дўкони, 375 та маҳсул савдо шохобчаси барпо этилди.

Янгиланган бозорнинг инфратузилмаси ҳам ўзига яраша. Унинг атрофида фаолият кўрсата бошлаган шохбехатдан жўнайдиган автобуслар йўловчиларни вилоятнинг чекка қишлоқларига етказиб қўяди.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳамғармаси ҳамда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти бўлими кенгаши ҳамкорлигида ўтказилаётган «Келажак овози» республика кўриқ-танловининг вилоят босқичи ғолиблари маълум бўлди.

«КЕЛАЖАК ОВОЗИ — 2006» ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтидор ва истеъдод соҳибларига ғамхўрлик кўрсатиш, ижод ва билим чўққиларини эгаллашда ёшларга қўмаклашиш мақсадида ташкил этилган маъмур танловда икки юздан зиёд иқтидорли йигит-қиз иштирок этди.

Бадиий ва амалий санъат йўналишида ўрта чирчиқлик Муроджон Баҳромов, қуйи чирчиқлик Мария Кузмина, бадиий ижод йўналишида пскентлик Ақромжон Маликов, зангиоталик Шоира Охунжонова, архитектура ва дизайн номинацияси бўйича ангрелик Фарида Холмуродова, ўрта чирчиқлик Ихтиёр Абдураҳмонов, ижтимоий лойиҳалар ва бизнес режа йўналишида янгийўллик Дилфуза Бобоєва, бекободлик Гўзал Холиқуллова, ахборот ва коммуникация технологиялар йўналишида ангрелик Умид Сариев, ўрта чирчиқлик Баҳодир Қаршибоев, рационализаторлик тақлифлари, техник лойиҳалар ва ишланмалар номинациясида юқори чирчиқлик Шерёф Уктамов ҳамда охангаронлик Мурод Алимов ғолибликни қўлга киритди.

Ғолиб ва совриндорлар танловнинг мамакат босқичида иштирок этади.

Л. СУВОНОВ,
ЎЗА мухбири.

ДИЛЁРАНИНГ АМЕРИКАДАГИ ЗАФАРИ

Олтмиш тўрт нафар теннисчи каторида мусобақанинг асосий туридан жой олган Ўзбекистонлик спортчи беллашувларни иккинчи босқичдан бошлади. Турнирда тўртинчи рақамда сараланган Дилёра Саидхўжаева учинчи босқич йўланмаси учун ўтказилган беллашувада америкалик Челси Пригга қарши қортга чиқди. Ўз мухлислари кўз ўнгига ўйнаган мезонлар вакиласи кескин ва муросасиз курашларга бой бўлган учрашууда ғалаба қозонишга ҳаракат қилди. Бироқ маҳорат борасида рақибасидан устунлигини исботлаган Ўзбекистонлик ракетка устаси беллашувни 6:4, 6:4 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилиб, мусобақани давом эттирадиган бўлди.

Маъмур халқаро турнир ғолиби 16 сентябрь кунини аниқланди.

З. ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Битта гап

Маттиас МАЙЕР,
Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси.
Савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳадаги Ўзбекистон — Германия ҳамкорлиги катта салоҳиятга эга. Ўзбекистоннинг ресурслари ва Германиянинг технологиялари бу йўналишдаги алоқалар қўламини янада оширишининг муҳим омилдир.

Тадбир

Ёшлар ташаббускор бўлишлари керак

Ана шу хитоб кечаги илмий-амалий анжуманда кўп маротаба такрорланди. Ҳўш, бугуннинг ёшлари ташаббус кўрсатишда, ташаббускор бўлишда қилмаларга ўрнак бўлмоқда ёхуд узларига билдирилган ишончнинг тўла-тўқис оқлай олаётганларини?

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Республика Маънавият тарғиб маркази ташаббуси билан «Ёшларни маънавий-ижтимоий фаоллигини оширишда» «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўрни» мавзусида ташкил этилган конференцияда худди шу саволлар ва ёшлар муаммолари билан боғлиқ айрим масалалар ечимига эътибор қаратилди.

Маълумки, «Қамолот» мамлакатимиз ёшларини бир мақсад атрофида бирлаштирадиган, уларнинг баркамол бўлиб вояга етишларида маънавий-маърифий қўмак берадиган ҳамда ташаббусларини қўллаб-қувватлайдиган ташкилотдир. Айниқса, ёшлар манфаатларини химоя қилиш ҳамда муаммоларининг ечимини топишда уларга чин маънода суянч бўла оладиган Ҳаракатнинг аъзолари бугун юртимиз аҳолисининг кўпчилик қисмини ташкил этади.

(Давоми 2-бетда).

Парламент ҳаёти

Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг асосий мақсади — инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, суд ҳокимияти нуфузини мустаҳкамлаш, уларнинг инсонларга демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдаги ролини оширишдир. Шу боис ушбу соҳадаги ислохотларнинг асосини жиноят, жиноят-процессуал, маъмурий жавобгарлик қонун ҳужжатлари, жинойи ва маъмурий жазо тизимини изчиллик билан босқунча-босқунчи либераллаштириш каби масалалар ташкил этади.

Алоҳида қайд этиш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари Конституцияимиз асосида босқунча-босқунчи амалга оширилмоқда. Амалдаги Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар қабул қилинганидан кейин ўтган давр мобайнида уларга қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳофизатига Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги ва 2006 йил 12 майдаги "Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва Нотариат тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунлар лойиҳалари киритилган эди.

Мазкур ҳужжатни қўриб чиқиш жараёнида парламент қўйи палатаси қарори билан иккита қонун лойиҳаси "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва "Нотариат тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун лойиҳасига бирлаштирилди. Сенатда тасдиқланган ушбу Қонун тўрт моддадан иборатдир. Уларнинг айримлари ҳусусида тўхталиб ўтиш керак, маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 28 февралдаги "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташвиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 294-сонли Қарорининг 7-бандида автомобиль транспортда йўловчилар ташвиш хавфсизлиги билан лицензиясиз шуғулланиш қонун айбдор шахслар суд орқали энг кам иш ҳажининг 20 бараваридан 150 бараваригача миқдорда жазима солиш йўли билан маъмурий жавобгарликни тортиштириш лозимлиги белгилаб қўйилган эди. Шу муносабат билан амалдаги Маъмурий жавобгарлик

тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгариш "Автомобиль транспортда йўловчилар ташвиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиш фуқароларга нисбатан энг кам иш ҳажининг йигирма бараваридан юз бараваригача миқдорда жазима солинишига сабаб бўлишини назарда тутди. Мазкур маъмурий ҳуқуқбузар-

Низом ишончномалар, автомобиль транспорт воситаларини бошқа шахсга бериш (олиштириш, алмашиш, совға қилиш) ва ижарага бериш шартномалари нотариал тасдиқлангани лозимлигини белгилади. Айтиш керакки, Нотариал тасдиқланган шартномаларда транспорт воситаларидан юридик шахсларнинг ходим-

БОШ МЕЗОН — ХАЛҚ ЭҲТИЁЖИ

лик ишларини қўриб чиқиш ва жазо чораси сифатида жазима солиш ҳуқуқини маъмурий ишлар бўйича судьяларга беришни назарда тутди. Мазкур модданинг амалда қабул қилиниши зарурлигини қўллаб омишлар билан изоҳлаш мумкин. Жумладан, ҳозирги кунда аҳолига қўрсатилаётган хизмат турлари кенгайиб, янада тақомиллашиб бораётгани сир эмас. Аммо мазкур хизмат турлари қўрсатилаётган хизматлар сифатини юқори даражада деб бўлмайди. Аҳолига хизмат қўрсатиш талаб даражасида бўлиши керак. Қолаверса, автомобиль транспортда қўрсатиладиган хизматлар тури шакли ҳисобланади. Шу сабабли, мазкур фаолият тури билан шуғулланиш учун амалда белгиланган тартибда махсус лицензия олиниши лозим. Ушбу янги модда "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодексга киритилди, автомобиль транспортда қўрсатиладиган хизматлар турини яқинлаштириш ҳамда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва хавфсизлиги таъминлиги, йўл-транспорт ҳодисалари олди олинмишига хизмат қилади.

Автомобиль транспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалари, уларни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномаларини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги


лан Фуқаролик кодекси 565-моддасининг биринчи қисмида "ижара шартномасига Фуқаролик кодекси 539-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган кўчмас мулк ижараси шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш зарурлиги тўғрисидаги қоидалар транспорт воситаси ижараси шартномасига нисбатан қўлланилмаслиги" ҳақидаги иккинчи жумла чиқариб ташланди.

Юрбошимизнинг 2006 йил 21 апрелдаги "Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жинойи фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютасиз оид жиноятларга қарши курашиш департаменти фаолиятини янада тақомиллаштириш, улар иш фаолияти самарадорлигини ошириш, савдо, тadbиркорлик ва молия соҳасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятларга қарши курашни кучайтириш мақсадида департамент "Солиқ,

валютага оид жиноятларга ва жинойи фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти" номи билан ўзгартирилди. Шунинг билан "Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг" "Мусодара қилиш" тартибдаги маъмурий жазо чорасини назарда тутуви 27-моддасига, "Давлат солиқ органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютасиз оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлиналари" деган 289-моддасига ва бошқа моддаларга юқорида таъкидланганидек, департаментнинг янги номи аниқлаштирилган ўзгартирилди. Шунинг билан "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва "Нотариат тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормалари Конституциясига, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига мос келди. Мазкур киритилган ўзгариш ва қўшимчалар эса қонунчилик тизимини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

М. РУСТАМБОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Боғлар — кўнгулни чоғлар



Юртимизда айни пиллақчилик. Бозор ва дўкон расталарининг тўлиб тошганиги ҳам шундан.

Хўжабод туманидаги "Мадиев боғлари" агро-саноат фирмасига қарашли боғ ва узумзорларда ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Ҳақиқатан ҳам фермер хўжалигини бирлаштирган ушбу жамоа жорий йилда 1650 тонна савзавот, 4100 тонна мева ва 1500 тонна узум етиштиришни режалаштирган. Айни кунларда эса олма, олхўри каби ноз-неъматлар қайта ишлаш корхоналарига жўнатилаётган. Бундан ташқари, ушбу мевадорлар қоқи тайёраш ишлари ҳам оби тобида олиб борилаётган.

СУРАТДА: "Мадиев боғлари" агро-саноат фирмасига қарашли "Тоҳир фойз" боғдорчилик фермер хўжалиги аъзоси Гулнора Содиқова олхўри термоқда. Ш.ОЛИМОВ (Ў.А) олган сурат.

Ислохот одимлари

Тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш республика адлия органларининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

ЧЕТДАН САРМОЯ КЕЛСА

Ишончли ҳимоя замини яратилган

Адлия ходимлари корхоналарнинг мувожазларини қўриб чиқиш билан бирга, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасида қўллаб-қўллаш йўлини қўриб чиқиш билан бирга, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида солиқ, божхона, маҳаллий ҳокимлик, банк, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига 150 га яқин тақдимнома киритилди. Мазкур тақдимномаларга асосан турли идораларнинг 15 та ноконуний қарор ва бошқа ҳужжатлари тўхтатилди. Қонунчилик иштирокида 73,5 миллион сўм ва 51,081 АҚШ доллари миқдоридagi жарима, бошқа тўловлар бекор қилинди ҳамда қайтарилди.

Сармоядорлар ҳамда қўшма корхоналарнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида солиқ, божхона, маҳаллий ҳокимлик, банк, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига 150 га яқин тақдимнома киритилди. Мазкур тақдимномаларга асосан турли идораларнинг 15 та ноконуний қарор ва бошқа ҳужжатлари тўхтатилди. Қонунчилик иштирокида 73,5 миллион сўм ва 51,081 АҚШ доллари миқдоридagi жарима, бошқа тўловлар бекор қилинди ҳамда қайтарилди.

Маълумки, тадбиркорлик ҳамда сармоядорлар айнан шундай қилишга эҳтиёткорлик билан қарайди. Президентимиз ташаббуси билан бошланган хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ислохотларнинг муҳим йўналиши саналади. Адлия ходимлари ҳам тадбиркорликнинг ривожлантириш мақсадида хорижий сармоядорларнинг амалий ишлари ўз самарасини бериб, мамлакатимиз иқтисодий ривожига ҳисса қўшаётган хорижий сармоядорлар ва уларнинг юртимиздаги шерикларида ишонч йўлини қўриб чиқиш билан бирга, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида солиқ, божхона, маҳаллий ҳокимлик, банк, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига 150 га яқин тақдимнома киритилди. Мазкур тақдимномаларга асосан турли идораларнинг 15 та ноконуний қарор ва бошқа ҳужжатлари тўхтатилди. Қонунчилик иштирокида 73,5 миллион сўм ва 51,081 АҚШ доллари миқдоридagi жарима, бошқа тўловлар бекор қилинди ҳамда қайтарилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда хорижий инвесторларнинг самарали фаолият юритишлари учун қўлай шарт-шароитлар, тегишли қонунлар, Президент фармонлари, Хукумат қарорлари ва бошқа мезорий ҳужжатлар асосида мустаҳкам ҳуқуқий кафолатлар тизими яратилган. Жумладан, "Чет эл инвестициялари тўғрисидаги" ва "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларини кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги" қонунлари алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Шакланган ҳуқуқий база ҳамда адлия органларининг амалий ишлари ўз самарасини бериб, мамлакатимиз иқтисодий ривожига ҳисса қўшаётган хорижий сармоядорлар ва уларнинг юртимиздаги шерикларида ишонч йўлини қўриб чиқиш билан бирга, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида солиқ, божхона, маҳаллий ҳокимлик, банк, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига 150 га яқин тақдимнома киритилди. Мазкур тақдимномаларга асосан турли идораларнинг 15 та ноконуний қарор ва бошқа ҳужжатлари тўхтатилди. Қонунчилик иштирокида 73,5 миллион сўм ва 51,081 АҚШ доллари миқдоридagi жарима, бошқа тўловлар бекор қилинди ҳамда қайтарилди.

Биргина мисол. "Sardor-Imrex" қўшма корхонасининг ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кираётган товарларга белгиланган бож имтиёзлари қўлланилмаганлиги сабабли, Тошкент шаҳар адлия божқармаси томонидан қўшма корхона манфаатларини қўллаб-қўллаш божхона божқармасига киритган тақдимномасига асосан унинг ҳуқуқлари тикланди ва божхона мутахассислари берган ҳулосага мувофиқ, 2011 йилнинг 15 мартига қадар қонунчиликда белгиланган имтиёзлардан фойдаланган ҳуқуқни қорхонада сақлаб қолди.

Киритилган тақдимномалар асосида хорижий инвесторлар ҳуқуқларини бузган 117 нафар мансабдор шахсга интизомий жазо берилди. Шундан 4 нафари эғаллаб турган лавозимидан озод этилган бўлса, 15 нафари маъмурий жавобгарликка тортилган. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида хорижий инвесторлар манфаатларини қўллаб-қўллаш ва фуқаролик судларига жами 7 миллиард сўм ва 200 минг АҚШ долларидан зиёд маблағни ундириш ҳақида 554 та

Фозил ФАРИКОВ,
Адлия вазирлиги бўлими бошлиғи,
Ботиржон ҒОҒУРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Академик лицейнинг янги биноси
Мингтут — Самарқанд шаҳрининг обод маҳалларидан бири. Бу ердаги озодалик, орас-талиқ, ободончилик ҳамнинг ҳавасини келтиради. Самарқанд қишлоқ ҳўжалиқ институти қоидада академик лицейнинг янги бинода фойдаланишга топширилган муҳташам биноси маҳалла фаёзини янада ошириб юборди.

Ёшлар ташаббускор бўлишлари керак

Демак, "Қамолот" ва ёшлар уртасидаги ўзаро ишонч пойдевори мустаҳкам. Аммо кейинги пайтларда ёшлар тарбиясида, маънавиятида учраб турадиган айрим жиҳатлар борки, бундан қўз юмиб бўлмайди. Хусусан, тадбирда таъкидлаб ўтилганидек, ёшларнинг ижтимоий фаолият даражаси мактанлари даражасида эмас. Бунинг учун "Қамолот" нималарга кўпроқ эътибор қаратиши зарур?

Ушбу саволга тадбирга тақлиф этилган мутахассислар, олимлар, давлат ва ҳамоат арбоблари, айниқса, ёшлардан фикрлар олинди, тақлифлар ўрганилди. Бу жараёнда Жиззах, Самарқанд, Наманган, Фарғона вилоятлари етакчилари ҳам бевосита иштирок этишди. Улар ўз фикр-мулоҳазаларини мажлислар залига ўрнатилган монитор орқали мулоқотдошларига етказдилар.

Банк тизими

Барқарор ўсиш суръатлари кузатилаётганда

Ўзбекистон Банклар ассоциацияси «Ахбор-рейтинг» банкларини рейтинг компанияси тижорат банклари фаолиятининг 2006 йил биринчи ярим йиллик натижалари бўйича рейтинг баҳолашини яқунлади. Рейтинг натижаларига қўра, ўтган давр мобайнида банклар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари, жумладан, қўлмаллик, ишончлик ва рентабеллик кўрсаткичлари ўсиши кузатилди. Рейтингда 22 та банк иштирок этди. Уларнинг якуний рейтинг кўрсаткичи ўртача 34,1 баллини ташкил этди (бултур 27,3 балл эди).

Банкларнинг ишончлилик кўрсаткичи ҳам ўсмокда. Ишончлилик даражасини ҳисоблашда банклар капиталининг етарлилиги, активлар сифати ва ликвидлик каби кўрсаткичлар ҳисобга олинди. Банклар ишончлигининг ижобий ўзгариши банклар ликвидлиги ва капиталининг етарлилиги даражасининг ўсиши билан изоҳланади. Тижорат банклари фаолиятини молиялаштиришнинг барқарор манбаи бўлган акциядорлик капитали асосан тақсимланмаган фойда (51,0%) ва устав капитали (45,0%) ҳисобига шаклланди. Бундан ташқари, таҳлил қилинаётган давр мобайнида тижорат банкларининг умумий акциядорлик капитали 29,0 фоиз ўсиши кузатилди. Бунга банклар устав капиталининг 40,0 фоизга ва тақсимланмаган фойданинг 22,6 фоизга ўсиши авазига эришилди.

Ийрик тижорат банклари фаолиятининг рейтинг баҳолари

Банклар номи	Якуний рейтинг бали	Гуруҳдаги ўрни
«Кредит-Стандарт» банки	59,24	1
«Узсаноатқурилишбанк»	55,99	2
«Пахтабанк»	52,23	3
«Ипотекабанк»	46,75	4
«АБН АМРО Банк МБ Ўзбекистон АЖ»	41,36	5
«Ипак йўли» банки	40,43	6
«Ғаллабанк»	30,20	7

Ўрта тижорат банклари фаолиятининг рейтинг баҳолари

Банклар номи	Якуний рейтинг бали	Гуруҳдаги ўрни
«Алп Жамол банк»	48,19	1
«Туронбанк»	33,65	2
«Парвинабанк»	32,27	3
«UzKDBбанк»	32,23	4
«УТ-банк»	30,22	5
«Трастбанк»	30,17	6
«Савдогарбанк»	27,37	7

Кичик тижорат банклари фаолиятининг рейтинг баҳолари

Банклар номи	Якуний рейтинг бали	Гуруҳдаги ўрни
«Даврбанк»	59,00	1
«Самарқандбанк»	34,35	2
«Уқтабанк»	26,97	3
«Туркистон» банки	12,83	4
«Универсалбанк»	11,05	5

Зиёда АШУРОВА.

Турмуш чорраҳаларида

Кеч киргани сайин Башоратнинг юраги сиқилар, кўча эшикка кўз тикиб эрини кутарди. Хар кеч шу аҳвол. Аёл дадасини соғиниб хархаша бошлайдиган гўдакларига кўзи ёш тўқканча тик этган товушга кулоқ тутарди.

Четдан қараганда кўйдек ювощ кўринган Омон салкам бир йилдан бери ҳафтада бир уйга келса келади, бўлмаса йўқ. У ёлғирок ишга жойлашди ўзгарди-қолди. Рўзгоридан орттирган уч-тўрт тангасини машатта, енгил табиат аёлларга сарфлаб «Беш куним — хуш куним» қабилида иш тутишга ўрганди. Шириндан-ширин икки фарзанди ҳам кўзига кўринмади. Беш-олти ой бўлди, у ўз уйдан унча узок бўлмаган кўп қаватли уйлardan бирида яшовчи Сожида исмли аёлга уйланиб олди. Аёл эри билан ажралишган, қизчаси билан ёлғиз яшарди. Омон уни эл кўзига никоҳига олди.

тиб, изига қайтди.

Муроджон ойисини уйғотиб юбормаслик учун синглисининг қўлидан етаклаб нариги хонага ўтди.

— Нигор, ойимга билдирмай бир жойга бориб келмайми?

— Қарга?

— Ялмоғизни...

— У ерда нима қиламиз? — кўзларини пирпиратди қизча кўрқанини ошкор қилиб. — Еб кўяди...

— У фақат пул еркан, —

Аксига олиб кўчада бирор зоғ ҳам кўринмас, ҳамма ишдан қайтган, иссиқ уйларида чиқмас эди. Муроджон энди бирор уйни чақириб, сўраб кўрмоқчи бўлди. Дуч келган подъездга кириб, биринчи эшикни тақиллатди. Эшикни ёшигна жувон очди:

— Нима керак сизларга? — деди қўпол қилиб.

— Опа, сиз ялмоғизнинг уйини билмайсизми? — деди Муроджон йиғламсираб.

болалар айтаётган Ялмоғизнинг худди ўзи эди. Жувон ҳозир совудан кулоқ-бурунлари қизариб кетган, тиши-тишига тегиб қалтираётган, бурни оққан шу норасида гўдаклар олдида гуноҳор эканлигини хис этди. Узининг уч ёшли қизаларини Нигоранинг ўрнига қўйиб кўрди-ю, даҳшатдан чинқираб юборди. Унинг овозини эшитган Омон югуриб чикди. Аини дамда унча-мунча юрак дош бера олмайдиган манзара ҳосил бўлди. Омоннинг тилига бирор калима сўз келмас, бақадай анграйиб қолганди. Муроджон ҳам, Нигора ҳам бараварига дадаларини кучоқлаб олишди.

— Дадажон, мана пул, «Ялмоғиз»га беринг, сизни кўйиб юборсин. Ойим касал бўлиб қолди.



DELTA-BI EX
UZBEK EXHIBITION COMPANY

ЗАЩИТА И СПАСЕНИЕ
• 2006

МЕЖДУНАРОДНАЯ
ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКАЯ
ВЫСТАВКА

ОФИЦИАЛЬНАЯ ПОДДЕРЖКА
Государственное предприятие «UZMAKHSUSIMPEX»

26-28 сентября
2006 года

Тел. (99897) 330-48-00.
Факс (99871) 144-16-87.
E-mail: delta@uzpak.uz

МЕСТО ПРОВЕДЕНИЯ: ТПК «НАВРУЗ»

• технические средства обеспечения безопасности,
• антитеррористическое оборудование,
• средства защиты информации, • спасения при ЧС и пожарной охраны,
• обеспечения банковской и промышленной безопасности.

Бизнес-партнеры: infoCOM.UZ
ООО «NOVITA-EDMG»

Дада «Ўғри»си

Бу гапни кўшнларидан эшитган Башорат чидаб тура олмайди. Аваалига эрини тергади, жанжал қилди. Хеч бир наф чикмагач, махалла оксоқолига ариза берди. Оксоқол Омонни инсофга чақириб, бир неча бор насиҳат қилса-да, унинг сўйр кўзлари оёғи остидан нарини кўрмас, «Рўзгорини бут қилиб, бировнинг қўлига қаратганим йўқ, истамас катта кўча» дея ўдағайларди.

кўйганига икки-уч ой бўлаёзди. Энди Муроджон ҳам, Нигора ҳам дадасини, қандай бўлмасин, топишга уринарди. Бир кун кечаси фарзандларининг сўроқларига жавоб топа олмай қолган Башорат уларнинг кўзига тикилиб туриб ёлгон гапирди: «Ялмоғизни биласизлар-ку, ўша дадангизни ўйғираб олган!»

Буни эшитган етти ёшли Муроджоннинг ҳам, беш ёшли Нигоранинг ҳам кўзлари катта-катта очилди.

— У даданми еб қўйсачи? — йиғламсиради Нигора.

— Йўқ, у одам емайди, унга даданнинг пули керак, — пичирлади аёл.

— У қаерда яшайди, ойижон? — сергакланди Муроджон.

— «Дом»да... Нима эди?

— ...

Ўша кундан буён Муроджоннинг хаёлидан бир уй кетмай қолди: «Ўша

ялмоғизга пул керак бўлса, велосипедга йиғабтган пулимни олиб бериб берсам, даданми қайтариб бермасмикан?» У миясига келган фикрдан қувониб кетди.

Башоратни гап-алам

болаларга хос соддалик билан тушунтира бошлади Муроджон, — велосипедга йиққан пулимни берамиз... Дадасини жуда-жуда соғинган Нигора кўрқувни ҳам унутиб апил-тапил кийинди-да, акасига эр-

— Қанақа ялмоғиз, нималар деясан, бола? — истеҳзоли қулди аёл. — Жинни бўлганмисан? Муроджон ҳам, Нигора ҳам бараварига йиғлаб юборишди.

— Ялмоғиз даданми яшириб қўйган. Унга велосипедга йиққан пулимни бераман. Ойим касал. Дадани олиб кетишимиз керак. — Бола бу гапларни йиғи аралаш, тўхтаб-тўхтаб, қийналиб сўзларди.

— Дадажон, мана пул, «Ялмоғиз»га беринг, сизни кўйиб юборсин. Ойим касал бўлиб қолди.

енгди, шекилли, қаттиқ бетоб бўлиб ётиб қолди. Унинг иситмаси тушмас, кўзи илди дегунча алаҳсиради. Онасининг аҳволини кўриб кўрқиб кетган бола кўшнлардан бирини чақириб чикди. Кўп ўтмай «Тез ёрдам» етиб келди. Керакли муолажалардан сўнг аёл тинчиб ухлаб қолди. Кўшни аёл уйдан иссиқ овқат олиб чикиб болаларга бераркан, ойиси уйғонгунча чиқишини ай-

гашди.

Қахратон киш ҳадидан ошиб бутун борлиққа ўз ҳукмини ўтказар, ҳеч бир жонзотга раҳм қилмасди. Кеч кириб қолди. Болалар кўп қаватли уйлар ёнига боргунча дийдираб қолишди.

— Унинг уйини билмаймиз-ку? — деди Нигора қалтираб акасини пичжига тикиларкан.

— Одамлардан сўраймиз...

Авал аёлнинг ранги бўзарди, сўнгра қошлари чимчирилиб сўради:

— Дадангнинг исми нима?

— Омонбой. Ойимники Башорат, — кўз ёшларини ишқалаб арди Муроджон. Кейин умид билан аёлга тикилди.

Боланинг охириги сўзлари аёлнинг бошига тушган оғир гуздик бўлди (Яратганинг болаларга раҳми келган эди). Бу аёл

Барно ШЕРАЛИ қизи.
Балиқчи тумани.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланади

22 сентябрь соат 19.00 да

РОССИЯ КАТТА ТЕАТРИ ЕТАКЧИ БАЛЕТ СОЛИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛИ

А. АДАН «Жизель»

Катнашди: Халқ артисти — Людмила Семеняка. Солистар: Лола Кочеткова ва Денис Медведев. Дирижёр — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Фаалиддин Ёқубовган.

Касса хар кун соат 10.00 дан 19.00 гача ишлайди. Маълумот учун телефон: 133-90-81.

Газ унғуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар аиққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚҚ
(Чкалов номи ТАИЧБ ДАБ)

Россиянинг «Сигнал» компаниялар гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, электрон блокли (БК) мувофиқлаштирадиган

турбинали саноат газ ўлчагичларини (СТГ) таклиф этади.

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ. Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон овози» ва С.Азимов кўчалари кесишган жойда. Мўлжал — Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Асбоблар «Ўстандарт» агентлигининг сертификатида эга.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобиллари (автобуслари) ва улар негизда тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизда) ва махсус техникаларни таклиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservice» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Манзил: 700005, Тошкент ш., Мировод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

РОССИЯНИНГ «НАРА» ВА ЖАПУНИЙ КОРЕЯНИНГ «СОМО» ЗАВОДЛАРИ

РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОРИ

ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН

ЁНИЛҒИ КЎЙИШ МОСЛАМА (БЕНЗОКОЛОНКА)ЛАРИНИ СОТАДИ.

Маслаҳат сифатида сертификат ва оқибатда қайтарилмайди. Маълумот алоқасида раҳмат қилинади.

Тел.: (99871)144-28-44, 144-28-11, 144-28-33, 189-65-53.

GAZ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор **AVTODOM PLUS**

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГТА

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шахрисабз» к., 16-«А» уй. Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «GAZ»-РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР КАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь» ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидроқўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар. АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАВБОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1157. 21086 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳрират компьютер марказида терилди ва операторлар Жампед Тоғев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материал

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи котиб — Ю. Хамидов.
Набатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Набатчи — В. Фодуров.
Мусаввир — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Тоширилди — 21.00 23456